# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1989 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

муҳим маҳаллий муаммоларни ҳал этишда унинг мустақиллиги чеклаб қўйилган эди. Марказлаштирилган идораларнинг маҳкамачилик усулидаги ёндашуви, объектив иқтисодий қонунлар, регионнинг тарихий тараққиёти, табиий ва ер-сув шароитларининг хусусиятлари инкор этилганлиги халқ хўжалигининг айрим тармоқларига ҳаддан ташқари бир ёқлама эътибор берилишига, асосан хом ашё тармоқларининг ривожланишига, ишлаб чиқарувчи кучларни, ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш ва жойлаштиришда катта номутаносибликларга олиб келди. Экология, аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари айниқса кескинлашди.

Мана шу сабаблар, шунингдек демография омилларининг амал қилишини ҳисобга олмай, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни планлаштириш миллий даромад ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар жиҳатидан умумиттифоқ кўрсаткичларидан тобора кўпроқ фарқ бўлишига, аҳолининг турмушини таъминлаш даражаси жиддий орқада қолишига олиб келди. Пахтачиликда ялпи ҳосилга асоссиз равишда узлуксиз зўр берилганлиги ҳам ўз таъсирини ўтказиб, пахтанинг яккаҳокимлигига, деҳқончиликнинг илмий асосланган системаларини менсимасликка, ем-хашак ва озиқ-овқат экинзорларининг камайиб кетишига сабаб бўлди.

Бу омилларнинг салбий таъсирини бугун республика аҳолиси, барча миллатларга мансуб меҳнаткашлар ўз бошларидан кечирмоқдалар.

Ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазиятни баҳолаганда, миллатларнинг ривожланиши билан уларнинг ўзаро яқинлашуви ўртасида объектив равишда вужудга келаётган зиддиятларга енгил-елпи, юзаки, ҳатто менсимай ёндашиш ҳолларининг, шу зиддиятларнинг ҳал этиш йўлларига ақидапарастлик билан қаралаётганлигининг салбий ролини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Асоссиз репрессиялар, айниқса миллий зиёлиларга нисбатан ўтказилган репрессиялар ва Сталин режими томонидан бутун-бутун халқлар Ўзбекистонга зўрлик билан кўчирилганлиги миллатлараро жараёнларни ривожлантириш характери ва тенденцияларига ўз таъсирини ўтказди.

Яқин ўтмишда эса «пахта ишлари» деб аталган ишларга юзаки, кўп ҳолларда асоссиз, ўйламай ёндашилганлиги, миллий кадрларни танлаш ва тарбиялашдаги жиддий хатолар ва нуқсонлар, идеология ишидаги, тарихий ва маданий қадриятларни, халқ урф-одатлари ва анъаналарини баҳолашдаги ўзбилармонлик ҳам салбий оқибатларга олиб келди. Мана шуларнинг ҳаммаси меҳнаткашларни тўлқинлантираётган муаммоларнинг дуруст ҳал этилмаётганлигидан уларнинг қаноатланмаслигига сабаб бўлди, миллатлараро муносабатларда кескинликни келтириб чиқарди, бу муаммоларни айниқса ўткирлаштириб юборди.

Фарғона областидаги фожиали воқеалар биз учун жиддий сабоқ бўлди. Қайта қуришга қарши бўлган, порахўрликка муккасидан кетган унсурларнинг республикадаги мураккаб вазиятдан фойдаланиб, миллатчилик кайфиятларини кучайтириш, вазиятни издан чиқариш йўлидаги уринишлари нақадар мушкул оқибатларга олиб келиши мумкинлигини равшан кўрдик.

Воқеалар кўпгина партия, совет кадрларининг аввало сиёсий ночорлигини, уларнинг фавқулодда воқеаларни олдиндан пайқаш, оммавий тартибсизликларнинг, бебошлик, шафқатсизлик, инсонларнинг қурбон бўлиши ҳолларининг олдини олишга уқувсизлигини кўрсатди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг заифлиги, уларнинг фаолиятсизлиги кўриниб қолди, баъзан эса экстремистларга тўғридан-тўғри йўл қўйиб берган ҳоллари ҳам бўлди.

Биз бу воқеаларга қаттиқ сиёсий баҳо бердик. Айбдорлар партиявий ва жиноий жавобгарликка тортилди ва тортилмоқда. Уларнинг ҳаммалари, ким бўлишидан, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар қаттиқ жазоланиши керак ва жазоланади ҳам.

Бугун пленум иштирокчиларига шуни маълум қилиш ўринлики, Фарғонадаги фожиали воқеалар билан боғлиқ бўлган ҳамма ишлар ва шу фожиалардан олдин содир бўлган воқеалар ҳам, айрим масъул кишиларнинг ўша даврдаги мурраккаб вазиятдаги хатти-ҳаракатлари ҳам ҳали кўп жиҳатдан идрок этилиши ва тегишли хулосалар чиқарилиши лозим.

Мен илгари ҳам гапирган эдим, яна бир бор такрорлайман, биз, афсуски, марказий матбуот ҳам, йўл қўйганидек, воқеаларни бачканалаштириш, рўй берган ҳодисалар учун масъулиятни бутун ўзбек халқи зиммасига юклаш, унга ёппасига ёрлиқлар тақиб қўйиш йўлидаги пала-партиш, мутлақо асоссиз уринишларга рози бўла олмаймиз ва ҳеч қачон рози бўлмаймиз. Байналмилалчилик, хайрихоҳлик, саховат ва меҳмондўстлик ўзбек халқига хос хусусиятлардир. Бинобарин, биз ҳеч кимнинг халқимизни бадном қилишига, дўстлигимиз негизига путур етказишига йўл қўймаймиз, совет халқларининг ягона оиласини парчаламоқчи бўлган ҳамма кишиларга кескин зарба бераверамиз.

## II. Республикада ҳозирги миллий сиёсатнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари

Ўртоқлар!

Республикада миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш тўғрисида гапирганимизда, КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, соф ҳолдаги миллий муносабатлар бўлмаслигини яққол англаб олишимиз лозим. Миллий муносабатлар ҳамиша ҳар бир кишининг ҳаётий манфаатларига бевосита дахлдор бўлган иқтисодий, ижтимоий муаммолар ва бошқа муаммоларнинг мажмуасидан иборат. Шу сабабли миллий сиёсатни қайта қуришни базисга доир вазифаларни, яъни иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилишдан бошлаш керак.

Одамлар қайта қуриш сиёсатига шубҳа билдирмасалар ҳам унинг натижаларидан ҳақли равишда қониқмаяптилар. Бинобарин, кескинликнинг, жумладан миллатлараро муносабатлардаги кескинликнинг ўткирлиги биринчи навбатда шу нарса билан боғлиқки, республикада яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсон, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, нормал турмуш учун ўзига зарур бўлган барча нарсаларни топиш тобора қийинлашиб бораётганлигини сезиб турибди. Бунинг устига республикада қурилаётган ва ишлаб чиқарилаётган нарсалар аҳолининг ўсишини зўрға қопламоқда, аҳоли эса йилига салкам 650 минг кишига кўпаймоқда. Турмуш даражаси Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичлардан анча орқада қолмоқда ва амалда юксалмаяпти.

Бинобарин, бизнинг асосий вазифамиз — республика халқ хўжалиги комплекси муттасил ривожланишини таъминлашдан, шу асосда ижтимоий-иқтисодий кескинликни бартараф этишдан иборат. Бу вазифани ҳал этиш хусусида Марказий Комитет Бюросининг барча область партия комитетлари иштирокида ишлаб чиқилган нуқтаи назари пленум қатнашчилари эътиборига тақдим этилган Ўзбекистон Коммунистик партиясининг бўлажак сайловга ҳаракат дастури лойиҳасида муфассал баён қилиб берилган. Шу сабабли ушбу дастурнинг энг асосий, ҳал қилувчи жиҳатларига тўхталиб ўтаман.

Ўзбекистонда миллий ва миллатлараро муаммоларни ҳал қилиш кўп жиҳатдан **аҳолининг иш билан самарали таъминланишига** боғлиқ. Ҳозирги вақтда республикада бир миллионга яқин меҳнатга лаёқатли одам жамоат ишлаб чиқариши соҳасида банд эмас. Бу ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасидан қабул қилинган тармоқ комплекс программаси илмий жиҳатдан чуқур ишлаб чиқилмаганлиги сабабли аслида амалга оширилмаяпти. Программада белгиланган кўрсаткичлардан орқада қолиш йил сайин кўпайиб бормоқда ва ҳозир 250 минг кишидан ошиб кетди. Сўнгги вақтдаги жуда кўп можароларнинг сабаби одамларнинг иш билан таъминланмаганлигидадир. Иш билан банд бўлмаган аҳоли орасида ёшларнинг салмоғи ортиб бораётганлиги айниқса ташвишлидир, иш билан таъминланмаганлар орасида ёшлар 1979 йилда 46,7 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир салкам 51 фоизни (қишлоқ жойларда 54,1 фоизни) ташкил этади. Бизда аҳолининг ўсиш суръати Иттифоқимиздаги ўртача суръатдан 3 баравар юқорилиги ҳам аҳволни мушкуллаштирмоқда.

Республиканинг ўзига хос жиҳати шундаки, шаҳарларда малакали ишчи кучлари мунтазам етишмаган ҳолда қишлоқ жойларда аҳоли сони нисбатан кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтдаёқ меҳнатга лаёқатли ҳар бир колхозчи ҳисобига нормативдаги 6-7 гектар ўрнига 1,31 гектар ҳайдаладиган ер тўғри келмоқда, айрим хўжаликларда, айниқса Фарғона водийсида бу кўрсаткич ундан ҳам камроқ. Бу эса одатда кўп болали қишлоқ оилалари даромадларининг кўпаймаслигига, баъзи жойларда эса камайиб кетишига сўзсиз равишда олиб келади. Қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги туб миллатларга мансублиги ҳисобга олинса, ана шу омилларнинг миллатлараро муносабатларга кўнгилсиз таъсирини пайқаб олиш қийин эмас.

Бу муаммоларни ҳал этиш йўллари қандай? Бизнингча, энг яхши чора—ишлаб турган саноат корхоналарининг сменали коэффициентини оширишдир.

Статистика маълумотларининг оддий арифметик ҳисоб-китобларига асосланиб, одамларни иш билан таъминлаш учун иш жойлари резервларини топишга фаросат ҳам, ғайрат ҳам даркор эмас. Аслида бу соҳада муаммоларнинг бутун бир комплексини ҳал қилиш, энг муҳими — корхоналарнинг раҳбарлари иштирокида кўп жиҳатдан уларга боғлиқ бўлмаган ва ишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш лозим.

Мен нималарни кўзда тутмоқдаман? Бу — саноат корхоналарининг асосан катта шаҳарларда жойлашганлигидир, бу шаҳарларда уй-жойнинг етишмаслиги ва ижтимоий инфраструктуранинг яхши ривожланмаганлиги кўп одамларнинг шаҳарга кўчиб келиши имкониятларини чеклаб қўяди. Бу — фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган касблар бўйича малакали ишчи кадрлар етишмаётганлигидир. Бу — республиканинг халқ хўжалиги, айниқса, саноат тармоқлари учун ана шундай кадрларни тайёрлашнинг таъсирчан системаси йўқлигидир.

Сўнгги муаммога батафсилроқ тўхталиб ўтмоқчиман, чунки республиканинг ҳозирги давригина эмас, келажаги ҳам туб миллатдан саноат ишчилар синфини шакллантириш муаммоси билан боғлиқ. Ўзингиз ўйлаб кўринг, 460 та кундузги ҳунар-техника билим юртидан ҳар бештасидан биридагина замонавий саноат касблари бўйича ишчилар тайёрланади. Ҳунар-техника билим юртларининг ҳар учтасидан биригина тўла ўқув комплексига эга. Уларнинг таълим мақсадлари учун замонавий машина-ускуналарга бўлган эҳтиёжини база корхоналари жуда қониқарсиз таъминламоқда. Корхоналар ва ҳунар-техника билим юртларининг шартнома системасига ўтиши ишчи кадрлар тайёрлаш кўламининг кескин қисқариб кетишига олиб келди, унингсиз ҳам ҳунар-техника билим юртлари республиканинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қаноатлантира олмаётган эди.

Қора ва рангли металлургия, машинасозлик, қурилиш индустрияси, енгил саноат корхоналарининг кўпида иш жойлари мунтазам равишда бўш қолмоқда. Бундай иш жойларининг сони 25 мингтадан ошиб кетди. Бунинг устига ана шу бўш иш жойларининг деярли ярми Тошкент шаҳри ва Тошкент областига тўғри келади. Кўп ҳолларда бунинг сабаби бир хил — меҳнатга лаёқатли аҳолини ҳисобга олиш ва бир қанча мутахассисликлар бўйича ишчи кадрлар тайёрлашни ташкил этишдаги жиддий нуқсонлардир. Шунинг учун ҳам Жиззах пайпоқ фабрикаси, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг Фарғона филиали, Андижон область Ленинск шаҳридаги прицеплар заводи ва бир қанча бошқа корхоналар фойдаланишга топширилган ишлаб чиқариш қувватларидан ҳозир тўла фойдалана олмаётир.

Очиғини айтиш керак, бу аҳвол фақат иқтисодий вазифаларни ҳал қилишдагина эмас, шу билан бирга ёшларга, айниқса, туб миллатларга мансуб ёшларга касб ўргатишни ташкил этишда Андижон (ўртоқ М. М. Орипжонов), Фарғона (ўртоқ Ш. М. Йўлдошев), Сирдарё (ўртоқ А. Ф. Клепиков) область партия комитетлари, область ижроия комитетлари йўл қўйган нуқсонларнинг натижасидир.

Буларнинг ҳаммаси Иттифоққа бўйсунувчи кўпгина корхоналар жойларда ишчи кадрлар тайёрлаш ўрнига баъзан ўзлари учун осон, лекин маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини чигаллаштирадиган йўлдан бориб, мамлакатнинг бошқа регионларидан тайёр ходимларни таклиф қилаётганликларининг бевосита оқибатидир. Бу йўл шаҳарларда уй-жой муаммосини тағин ҳам кескинлаштирмоқда, ишчилар синфи миллий отрядини вужудга келтиришга тўсқинлик қилмоқда. Натижада машинасозлик корхоналари ишчилари орасида маҳаллий аҳолига мансуб ишчилар салмоғи республикада 27 фоиздан сал кўпроқни, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» ва экскаватор заводлари каби меҳнат коллективларида эса чорак қисмидан ҳам камроқни ташкил этади. Ана шу корхоналарнинг коммунист раҳбарларига (Н. Л. Шпильков, В. Д. Карлов, А. Н. Сумбулов ўртоқларга), бошқа кўпгина корхоналарнинг раҳбарларига ҳам туб миллатларга мансуб кишилар орасидан ишчилар синфини шакллантириш вазифаси пролетар байналмилалчиликнинг энг яхши анъаналаридан эканлигини ва бу уларнинг зиммасига катта масъулият юклашини эслатиб ўтиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бу соҳада энг асосий нарса айрим, лекин тез-тез учрайдиган ночор «назариётчилар» психологияси ва тафаккурини ўзгартиришдан иборат, улар ана шундай ҳолларда маҳаллий аҳоли, хусусан ўзбеклар катта саноат корхоналари шароитида ишлашга ўрганмаганлар, улар бундай корхоналарда меҳнат қила олмайдилар, улар кўпроқ қайта ишлаш тармоқларида, хизмат кўрсатиш соҳасида ишлашга мойилдирлар, деган сохта, айтиш мумкинки, жуда зарарли назарияни пеш қилишга уринадилар.

Бундай мулоҳазаларни жиддий қоралаш керак. Бутун гап шундаки, биз ўзимиз, республика раҳбарлари, область ва шаҳар миқёсидаги раҳбарлар вужудга келган яроқсиз практикани тубдан ўзгартириш тўғрисида ўйлаганимиз ҳам, бунга уринганимиз ҳам йўқ. Бу ҳам камлик қилганидек, ана шу эски ва қулай ақидаларга қўшиладиган одамлар ҳам топилди.

Бир нарса равшан — ишчилар ва инженер-техник кадрлар тайёрлашнинг таркиб топган системасини тубдан янгилаш талаб қилинади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг топшириғига мувофиқ республика Давлат план комитети ва Халқ таълими министрлиги бу хусусда аниқ таклифларни ишлаб чиқмоқдалар.

Ишчилар ва инженер-техник кадрлар тайёрлаш системасини янгилаш шунинг учун ҳам муҳимки, структура номутаносибликларини бартараф этиш ва иқтисодиётимизни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш билан боғлиқ комплекс тадбирларни амалга оширмай туриб, аҳолини иш билан оқилона таъминлаш масаласини узил-кесил ҳал қилиб бўлмайди.

Биз асосланишимиз зарур бўлган энг муҳим принципиал қоида шундан иборатки, Ўзбекистон хом ашё базаси эмас, балки бошқа иттифоқдош республикаларнинг тенг ҳуқуқли иқтисодий шеригидир. Маъмурий-буйруқбозлик системаси таъсирида вужудга келган аҳволни ўзгартириш керак, бу аҳволда республика саноат маҳсулоти умумий ҳажмининг 60 фоиздан кўпроғи хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кўп меҳнат талаб қилмайдиган корхоналар зиммасига тўғри келади. Ўзбекистонда юксак даражадаги тайёр маҳсулотни ишлаб чиқарадиган, сермеҳнат ва фан билан боғлиқ бўлган корхоналарни устун даражада ривожлантириш ва жойлаштириш юзасидан катта тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади.

Бу, биринчидан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган енгил ва маҳаллий саноат, бошқа тармоқлар корхоналаридир. Иккинчидан, фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган замонавий тармоқлар — асбобсозлик, электроника, радиотехника ва электротехника саноати корхоналари ва бошқа корхоналардир, яъни кўп сонли малакали ходимларни иш билан таъминлайдиган, одамлар учун зарур бўлган техник жиҳатдан мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон берадиган корхоналардир. Шуниси, айниқса, муҳимки, бундай корхоналар меҳнаткашларга нормал иш ҳақини гарантиялайди, ваҳолонки, республика жон бошига даромадлар даражаси жиҳатидан мамлакатда сўнгги ўринлардан бирида турибди.

Бундай программани амалга ошириш ишчи кадрлар тайёрлашга ёндашувни тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Қишлоқ йигитлари ва қизларини замонавий техника ишлаб чиқаришининг малакали ишчилари қилиб тайёрлаш осон эмаслигини тушунамиз. Лекин бу ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам катта сиёсий аҳамиятга молик вазифадир. Уни ҳал этишга ҳунар-техника, ишлаб чиқариш таълимининг бутун системаси сафарбар этилиши керак. Бу соҳада корхоналарнинг раҳбарлари зиммасига алоҳида масъулият тушади. Афсуски, буни ҳамма ҳам тушуниб етмаяпти.

Охунбобоев подшипник заводи (директори ўртоқ Ж Салоҳиддинов) бунга характерли мисол бўла олади. Районда иш билан банд бўлмаган меҳнат ресурслари мавжуд бўлгани ҳолда бундан уч йил олдин фойдаланишга топширилган ишлаб чиқариш қувватларининг ярмигина ишга туширилди. Машина-ускуналарни ремонт қиладиган, созлайдиган, жиҳозларни тайёрлайдиган малакали ишчилар етишмаётганлиги сабабли ускуналарнинг анчагина қисми тўхтаб турибди.

Бу ягона мисол эмас. Ҳозирги пайтда «Сурхон» заводи, Қўқон пойабзал фабрикаси, ўнлаб бошқа корхоналар шундай муаммога дуч келмоқда. Партия, совет ва хўжалик органларининг ташкилий ишлардаги бўшашувчилиги аҳволни мушкуллаштирмоқда.

Республика Министрлар Совети, Наманган область ижроия комитети (ўртоқ Б. Н. Ҳакимов) Наманғандаги ёғоч-уйсозлик комбинатини қуриб битказиш ва уни мебель ишлаб чиқаришга мослаштириш масаласини узил-кесил ҳал қилиша олмаяпти. Натижада 75 минг квадрат метр майдонни эгаллаган корпуслар бекор турибди, бу ерда 4 мингга яқин ишчи меҳнат қилиши ва йилига 100 миллион сўмлик мебель ишлаб чиқариши мумкин эди.

Аҳолини иш билан оқилона таъминлаш бу биринчи навбатда хўжалик вазифаси эмас, балки энг муҳим сиёсий вазифа эканлигини область партия комитетлари, область ижроия комитетлари тушуниб олишлари лозим. Бу вазифага етарли баҳо бермасликка ортиқча тоқат қила олмаймиз.

Иқтисодиёт структурасини қайта қуриш, малакали ишчи кадрлар тайёрлаш кенг программасини амалга ошириш узоқ муддатга мўлжалланган. Аҳолини иш билан таъминлаш масалаларидаги кескинлик эса ниҳоят даражада ўткирлашиб кетди ва ҳозирнинг ўзидаёқ тез самарага эришишни таъминлайдиган конкрет чоралар кўришни талаб этмоқда.

Бу вазифани республиканинг бевосита қишлоқ жойларида ва кичик шаҳарларида майда саноат корхоналари, цехлар ва филиаллар барпо этиш орқали ҳал қилиш мумкин. Бунда юқори малакани талаб қилмайдиган, лекин технология циклининг нисбатан кўпроқ меҳнат талаб қиладиган якунловчи босқичлари — унча мураккаб бўлмаган тайёр буюмлар ва узелларни йиғиш, тайёр бичимдан кийим-кечак тайёрлаш, маҳсулотларни жойлаштирадиган идишлар тайёрлаш каби ишлар билан шуғулланадиган корхоналар қуришга зўр бериш лозим. Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхозда, масалан, худди шундай қилишди, бу ерда мактабгача ёшдаги болалар учун кийим-кечаклар тикиш цехи очилди.

Бундай корхоналарни ихтисослаштиришнинг яна бир реал йўналиши — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки қайта ишлаш, бевосита хўжаликларда мева ва сабзавотлардан консерва тайёрлашдир. Шу мақсадлар учун республика корхоналарининг кучи билан зарур машина-ускуналарни ишлаб чиқариш программаси тузилган. Бу программа сўзсиз бажарилиши учун қатъий партия назоратини ўрнатиш зарур.

Ва ниҳоят, ҳозир Боғот районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида ва Хоразм областининг бошқа хўжаликларида амалга оширилаётган йўлдан бориб, маҳаллий хом ашёдан бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган ёрдамчи корхоналар ва ҳунармандчиликни барпо этиш, аҳоли буюртмалари асосида якка тартибда уй-жойлар, бошқа иморатлар қурадиган кичик қурилиш ташкилотлари тузиш истиқболлидир. Бундай ишлаб чиқариш учун эҳтиёжлар бор, қишлоқ хонадонлари учун томорқалар кескин кўпайтирилиши ҳисобга олинса, бундай эҳтиёжлар кўпаяверади.

Бундай тадбирларни амалга ошириш унча кўп капитал маблағ сарфламай, яқин вақт ичида кўп миқдорда иш жойлари барпо этишга имкон беради. Бунинг устига республикамизда бундай кичик ишлаб чиқариш шоҳобчаларининг барпо этилишига мамлакатимизнинг меҳнат ресурслари етишмаётган бошқа регионлари катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Яқинда, Тюмень области маданияти кунлари ўтказилган пайтда биз бу масалаларда КПСС область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Г. П. Богомяков билан тўла ҳамжиҳатликка эришдик. Сибирликлар кичик филиаллар ва цехлар шоҳобчаларини кенгайтириб, уларни хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлашда бизга ёрдам беришга тайёрдирлар. Бунинг эвазига улар тайёр маҳсулотнинг бир қисмини оладилар. Бунинг устига бундай ҳамкорлик фан, маориф, маданият соҳаларида алоқаларни ривожлантиришга туртки беради, яъни совет федерацияси халқларининг байналмилал жипслашувига реал кўмаклашади.

Ленинградликлар билан ҳар томонлама алоқалар йўлга қўйилмоқда. Тузилган шартномага мувофиқ биз етказиб берган мева ва сабзавот маҳсулотлари эвазига улар Тошкент области хўжаликларида теплицаларни кенгайтирадилар. Камчил моддий-техника ресурсларини етказиб берадилар, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда кўмаклашадилар, қўшма ўрмон саноати хўжалиги барпо этадилар. Улар яқин икки йил ичида чет эл фирмалари билан биргаликда мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган учта корхона қуришни режалаштирмоқдалар.

Масалаларнинг навбатдаги группаси иқтисодиётни ижтимоий соҳага йўналтириш, одамларнинг эҳтиёжлари ва талабларига эътиборни кучайтириш билан боғлиқ. Аҳолининг кам таъминланган табақаларига, кўп болали оилаларга, пенсионерларга ва ногиронларга, ўқувчи ёшларга реал ёрдам беришни Марказий Комитет ўзининг биринчи даражали вазифаси, деб ҳисоблайди. Моддий ва молиявий ресурсларда кескинлик юз берганига қарамай, аҳолининг кам даромадли табақалари ижтимоий ҳимояланишини мустаҳкамлашга 1990 йилдаёқ республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ва бошқа манбаларни сафарбар этиб, қўшимча равишда 142 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратиш имкониятини топдик.

Масалан, умумий таълим мактабларининг 1—5-синфлари ўқувчилари учун текин овқатни ташкил этиш, камқонлик касалига учраган ҳомиладор аёлларга ёрдам бериш учун 100 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратилади. Интернат уйларда овқатланишга сарф-харажатлар нормаси анча оширилади. Қишлоқ касалхоналари ва болалар боғчаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари давлат хариди юзасидан колхозларнинг қўшимча маҳсулот ажратишига рухсат этилди.

Уруш ва меҳнат ветеранлари, пенсионерлар, ёлғиз гражданларнинг моддий аҳволи яхшиланади. Нафақалар ва пенсиялар миқдорини оширишга 7 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратиш вазифаси қўйилмоқда. Бу эса 55 минг кишининг турмуш даражасини оширишга имкон беради. Шу мақсадда «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг, Наманган областидаги «Коммунизм» колхози, «Қизил равот» совхози ва бошқа ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан пенсиялар ва нафақаларга қўшимча жорий этиш тажрибасини кенг оммалаштириш лозим.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ходимларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш кўзда тутилмоқда. Келгуси йилдан бошлаб шаҳарларда хусусий квартираларда яшовчиларнинг коммунал хизматга ҳақ тўлаш имтиёзлари уларга нисбатан жорий этилади. Уй-жойга жуда муҳтож ўқитувчилар, врачлар ва табобат ходимларига, ёш мутахассисларга шу мақсадларга мўлжаллаб уй-жой майдонлари, санаторий-курортларга йўлланмалар ажратиш кўзда тутилмоқда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг квартираларда яшовчи 78 мингга яқин талабаси ойига маълум миқдорда квартира ҳақи эвазига пул олади.

Ана шу муаммолар юзасидан Марказий Комитетнинг умумий позицияси сайловолди ҳаракат дастури лойиҳасида баён қилиб берилган ва биз бу дастурга қатъий амал қиламиз. Ижтимоий инфраструктурани илдам ривожлантириш, одамларнинг фаровонлигини ошириш, экология вазиятини соғломлаштириш юзасидан белгиланган тадбирлар комплексини қатъий партиявий назорат остига олиш керак. Бу соҳада республика ҳукумати, маҳаллий Советлар, барча даража ва босқичдаги хўжалик органлари алоҳида масъулият билан иш кўришлари лозим.

Марказий Комитет ва Министрлар Советининг колхозчилар, совхоз ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қуришни янада ривожлантириш тўғрисида яқинда қабул қилинган қарорини жамоатчилик қанчалик маъқуллаб кутиб олганлигини сизлар яхши биласизлар. Қишлоқда яшовчи оилаларнинг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзларини ўзлари таъминлаши, колхоз бозорларини тўлдириш, уй-жойларни қуриш ва ишга туширишни кўпайтириш, аҳолининг иш билан таъминланишини яхшилаш билан боғлиқ бўлган ўткир муаммолар комплексини оператив ҳал қилишга мўлжалланган бу тадбирлар республикада маънавий-сиёсий вазиятни барқарор қилишнинг энг муҳим омили бўлиб қолди.

Бинобарин, бу масалаларда бўшашувчилик ва сансалорликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 500 мингдан кўпроқ оиланинг ер участкалари олиш ва кенгайтиришга эҳтиёжлари ҳали ҳам қондирилмаган. 1989 йилнинг охиригача томорқага муҳтож бўлган барча оилаларни томорқа участкалари билан таъминлаш зарурлигига қарамай, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё областларида бу иш атиги 20-28 фоиз бажарилган. Яқинда ўтказилган текшириш Сирдарё ва Қашқадарё область ижроия комитетларининг раҳбарлари (А. А. Айдарқулов, В. И. Сускин ўртоқлар) бу қарорни амалга оширишни пайсалга солаётганликларини кўрсатди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳам (ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков) бу қарорнинг бажарилиши ва ижронинг текширилиши юзасидан тегишли ташкилотчилик ишларини олиб бормаяпти. Қорақалпоғистон АССРда, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё областларида қишлоқ хонадонларини чорва моллар, ем-хашак билан таъминлаш тадбирлари барбод бўлмоқда.

Тошкент райони раҳбарлари каби ўз шахсий манфаатларини кўзлаб, меҳнаткашлар ишончини менсимасликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Районда ер участкалари олиш учун 2 мингдан ортиқ одам навбат кутиб турган бир пайтда район партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Шамугия, бўлим мудирлари ва аппаратнинг бошқа ходимлари боғдорчилик-полизчилик ширкатига аъзо бўлишса, бу ширкатга биринчи навбатда ер участкаси ажратиб берилса, буни ишга партиявий ёндашув деб бўладими? Келес шаҳар ижроия комитетининг раиси З. Д. Латипов эса шинам уй-жойи бўлишига қарамай, районда ўзига уй қурмоқда. Район ижроия комитетининг раиси С. Ш. Тошхўжаевнинг позициясини қандай тушуниш керак? У уруш қатнашчилари ва ногиронларига қонунда белгилаб қўйилган имтиёзларни назар-писанд қилмай, раҳбарларга ва савдо ходимларига биринчи навбатда автомашиналар ажратиб берган. Буларнинг ҳаммаси ана шу ярамас ишларга йўл қўйиб берган район партия комитетининг биринчи секретари А. Т. Тўрахоновнинг принципсизлиги натижасидир.

Марказий Комитет бундан тегишли хулосаларни чиқариб олди. Ўз масъулиятсиз хатти-ҳаракатлари билан ҳеч кимнинг партия ва совет ҳокимияти обрўсига путур етказишига йўл қўймаймиз. Мен буни яна бир бор таъкидлашни истайман.

Аграр секторни қайта қуриш, қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш катта эътиборни талаб қилади. Пахта яккаҳокимлигини тугатиш — истисносиз ҳаммани ташвишга солаётган муаммодир. Бизни Иттифоқ ҳукумати қўллаб-қувватлади. 1990 йил ва шундан кейинги йиллар учун пахта толаси етиштириш плани 1 миллион 500 минг тонна ёки 1988 йилда етиштирилганидан 215 минг тонна кам қилиб белгиланди. Бунда айрим хўжаликларда пахта майдонлари 56-63 фоизга қадар камайтирилади. Яъни ҳамма жойда илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни амалда жорий этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа экинлари етиштириш учун суғориладиган катта-катта майдонларни бўшатиб бериш реал имконияти вужудга келади.

Айниқса пахтачиликда таркиб топган нарх номутаносиблигини тугатиш масаласи аллақачон етилган. Мамлакат бўйича 1 центнер дон етиштириш учун ўртача 1,6 киши-соат меҳнат сарфланса, пахтачиликда ана шундай натижага эришиш учун 22 баравар кўп меҳнат сарфланади. Бироқ шу вақтга қадар пахтанинг харид нархи доннинг харид нархидан атиги 3,5-4 баравар қиммат эди. Бундай англашилмовчилик кўпинча миллий ҳуқуқларни камситиш деб ҳисобланганлиги ажабланарли эмас. Бу масалада ҳам Иттифоқ идоралари бизнинг фикримизни тушунганликларини айтиш керак. Шу йилдаёқ пахта нархига устама учун анча маблағ ажратилганлиги кескинликни маълум даражада камайтирди. Бу эса пахта комплекси меҳнатчиларининг ўз меҳнати пировард натижаларидан манфаатдорлиги ошганлигида дарҳол намоён бўлди. Пахта тайёрлаш плани ҳосил кеч етилганига қарамай, шаҳарликлар ва мактаб ўқувчилари жалб қилинмай, кўнгилли студентларнинг озроқ иштирок этиши билан қулай муддатларда бажарилди.

Ҳозир пахта далаларида эришилган муваффақият биз учун икки карра қадрлидир. Баҳорги табиий офат ва ёзда сувнинг камайиб кетиши ҳосилнинг анча қисмини хавф остида қолдиргани ва қийинчиликлар мардона бартараф этилгани учун ҳам бу муваффақият бизга қадрлидир. Барча қишлоқ меҳнаткашлари республика ва мамлакат олдидаги ўз бурчларини бажариш учун чинакам қаҳрамонона меҳнат қилдилар. «Пахта ишлари» муносабати билан асоссиз равишда хафа қилинган, таҳқирнома айблар қўйилган Ўзбекистон меҳнаткашлари пахта ҳалол ва виждонан қилинган меҳнат билан етиштирилишини, бундай меҳнатга муносиб баҳо берилиши лозимлигини амалда исботлаб бердилар.

1990 йилда пахта нархига устама икки баравардан зиёдроқ кўпаяди, бир тонна хом ашёнинг нархи бу йилги ўртача 806 сўм ўрнига минг сўмдан ошиб кетади. Пахта нархини тубдан қайта кўриб чиқиш иши давом этмоқда ва у мантиқий ниҳоясига етказилади.

Бугун Компартия Марказий Комитети колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, механизаторларга, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларига, шаҳарликларга, кўнгилли студентларга самимий миннатдорчилик билдириб, пахта етиштиришда ғалабага ўз ҳиссасини қўшган ҳар бир киши моддий ва маънавий тақдирланиши лозим, деб ҳисоблайди. Партия, совет, хўжалик идоралари ҳар бир ишлаб чиқариш илғори муносиб рағбатлантирилиши тўғрисида жон куйдиришлари керак. Бу ишни тантанали вазиятда халқ олдида ва ошкора амалга ошириш лозим. Шу муносабат билан Марказий Комитет Бюроси декабрнинг иккинчи ярмида анъанавий «Пахта байрами» ўтказишни таклиф қилади. Марказий Комитет аъзолари бу таклифни қўллаб-қувватлашларига ишонаман.

Қишлоқда турмуш маданиятини анча ошириш — сиёсатимизнинг туб масалаларидан биридир. Биз деҳқонлар олдида катта қарздормиз, чунки уларнинг кўпчилиги ичимлик сув ва табиий газ, мактабгача тарбия болалар муассасалари, мактаблар, касалхоналар ва поликлиникалар билан таъминланмаган. Қишлоқдаги ижтимоий соҳани қатъият билан ва тезроқ кўтариш учун шошилинч тадбирлар кўриш керак.

Хуллас, бу ўринда гап республиканинг бутун экономикаси ва ижтимоий соҳасини тубдан қайта қуриш юзасидан кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш ҳақида бормоқда, ушбу тадбирлар иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштиришга, янги хўжалик омилларини пишиқлаштиришга, мамлакатдаги бошқа регионлар билан ўзаро фойдали негизда бевосита алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга асосланади. Бунинг учун эса ихтиёримиздаги барча воситалар ва ҳуқуқлардан кенг кўламда фойдаланишимиз лозим, мазкур восита ва ҳуқуқлар республика регион хўжалик ҳисобига ўтиши, унинг иқтисодий мустақиллиги мустаҳкамланиши билан анча ортади.

## III. Республикада ҳозирги миллий сиёсатнинг маданий-ахлоқий муаммолари

Ўртоқлар!

Миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш мукаммал иқтисодий тадбирлар бўлишини ва маънавий-ахлоқий соҳани янгилашни талаб этади.

Тарих тажрибасини ҳисобга олмай туриб, миллий-маданий ҳаётимизнинг бугунги аҳволига баҳо бериш мумкин эмас. Агар Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида барча халқларнинг тўлақонли маънавий

(Давоми учинчи бетда).

